



« 30 » сентябрь 20 19 у.

№ 833

Toshkent sh.

Саноат ярмаркалари ва электрон кооперация биржаси фаолиятини ташқил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кооперацияни ривожлантириш, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик учун қулай шарт-шароитлар яратиш орқали саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва кичик тадбиркорлик субъектларини саноат фаолиятига кенг жалб этиш, шунингдек мунтазам ўтказиладиган саноат ярмаркалари ва кооперация биржасини ташқил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 1 майдаги ПҚ–4302-сон қарорига мувофиқ давлат харидлари махсус ахборот портали билан интеграциялашган электрон кооперация биржаси портали ишлаб чиқилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Саноат ярмаркалари ва электрон кооперация биржаси портали фаолиятини ташқил этиш тартиби тўғрисида низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

портал фаолиятини ташқил қилиш ва мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига юкланади;

портални ишлаб чиқиш ва доимий техник қўллаб-қувватлаш халқаро молия институтлари ва донор ташкилотлар грантлари, хомийлик хайриялари ҳамда портал орқали тузиладиган шартномалардан ундириладиган воситачилик ҳақи, шунингдек конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига портал фаолиятига оид қуйидаги қўшимча вазифалар юклансин:

республикада саноат маҳсулотлари, шу жумладан маҳаллийлаштирилган тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, хомашё ва материалларни сотиш ёки сотиб олиш бўйича шартномаларни тузиш учун порталда шароитлар яратиш;

порталда хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида муносабатларнинг эркинлигини ва шартномаларни тузиш шаффофлигини таъминловчи механизмларни татбиқ қилиш;

республикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларининг турлари, техник тавсифлари ва сифат кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни онлайн тарзда порталга жойлаштириш.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджет ва корпоратив буюртмачилар, шунингдек, стратегик харид қилувчилар билан биргаликда уларнинг келгуси давр учун давлат харидлари режа-жадвалларининг порталга мунтазам равишда киритиб борилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда ҳар уч ойда кооперация алоқаларини кенгайтириш орқали хўжалик юритувчи субъектларни харид фаолиятига жалб қилиш мақсадида республикада ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларнинг саноат ярмаркалари ўтказиб борилишини таъминласин.

Бунда ривожланган хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, маҳсулотларни замонавий дизайн асосида жойлаштиришни ҳамда буюртмачи ва ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги шартномаларнинг онлайн тарзда портал орқали тузилишини назарда тутсин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

мунтазам ўтказиладиган саноат ярмаркаларида республикада ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, хомашё ва материалларни харид қилиш бўйича буюртмачи сифатида иштирок этадиганлар 2-иловага мувофиқ вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари томонидан таъминланади;

маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, хомашё ва материаллар республиканинг барча истеъмолчилари учун тендерларсиз тўғридан-тўғри электрон кооперация биржаси портали орқали харид қилинади.

8. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналаридаги корхоналар ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилган импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан саноат ярмаркаларида кўргазмали иштирок этишини таъминласинлар.

9. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда саноат ярмаркаларини мунтазам равишда ўтказиб бориш жойи тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ташқи бозорлар конъюнктурасини доимий ўрганган ҳолда, импорт улуши юқори бўлган маҳсулотларни келгусида республикада ишлаб чиқарилишини назарда тутувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси саноат ярмаркалари ва электрон кооперация биржаси фаолиятини тадбиркорлик субъектларига етказиш мақсадида оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазири Б.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 30 сентябрдаги
833-сон қарорига
1-илова

Саноат ярмаркалари ва электрон кооперация биржасипортали фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом саноат ярмаркалари ва электрон кооперация биржаси порталифаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

аванс– харид қилиш жараёнида буюртмачива етказиб берувчи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда киритиладиган, жумладан томонларнинг зақалатлари (бюджет буюртмачилари бундан мустасно) ва операторнинг воситачилик йиғими ўз ичига олган молиявий маблағлар суммаси;

буюртмачи – электрон кооперация биржаси порталида товарларни харид қилувчи юридик шахс;

етказиб берувчи – таклиф этилган шартларда ўзининг электрон кооперация биржаси порталида қатнашиб, савдоларда ғолиб чиққан тақдирда, ўзи ишлаб чиқарган тайёр товарларни етказиб бериш ниятини билдирган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ёки уларнинг дилерлари;

агент– буюртмачилар ва етказиб берувчиларга топшириқ шартномаси асосида уларнинг электрон кооперация биржаси порталида қатнашишини таъминлашга доир профессионал хизматлар кўрсатадиган юридик шахс;

харид шартномаси – харидлар бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида буюртмачи ва етказиб берувчиўртасидаги электрон тартибда тузиладиган битим;

оператор–Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги;

шахсий идоравий кабинет – давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг электрон кооперация биржаси порталидаги шахсий саҳифаси бўлиб, унда тегишли индивидуал логин ва паролларни қўллаш орқали зарур маълумотлар жойлаштирилади;

шахсий кабинет– буюртмачи ёки етказиб берувчининг электрон харидларда иштирок этиши, шунингдек, зарур ахборотни жойлаштириши ёки олиш имконияти тақдим этиладиган электрон кооперация биржаси порталидаги шахсий саҳифаси;

режа-жадвал–электрон кооперация биржаси порталида жойлаштириладиган товарлар харидлари ҳажми ва муддатларини назарда тутувчи ҳужжат;

ҳисоб-китоб-клиринг палатаси (кейинги ўринларда ХККП деб аталади) – клиринг электрон тизими орқали электрон кооперация биржаси порталида тузилган харид шартномалари бўйича клиринг, ҳисоб-китоб ва ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишни таъминловчи операторнинг таркибий бўлинмаси;

электрон кооперация биржаси портали – операторнинг давлат харидлари махсус ахборот портали билан интеграциялашган, шу жумладан, ушбу Низомда назарда тутилган ахборотларни жойлаштириш, ундан фойдаланиш ҳамда электрон савдо ярмаркаларини ўтказишни таъминлайдиган электрон платформаси;

давлат харидлари махсус ахборот портали – давлат харидлари ўтказилишини, давлат харидлари тўғрисидаги эълонлар, давлат харидлари якунлари, харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг таклифлари ҳақидаги ахборотнинг ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ахборотнинг электрон шаклда жойлаштирилишини ва кўрилишини, шунингдек электрон давлат харидлари ўтказилишини таъминловчи веб-сайт ва махсус электрон платформа.

3. Электрон кооперация биржаси портали фаолиятини ташкил этиш ушбу низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

4. Электрон кооперация биржаси портали қуйидагиларни таъминлайди:

а) бир неча мезонлар ва кўрсаткичлар бўйича излаш имкониятига эга бўлган, мунтазам янгилаб бориладиган ҳамда қуйидагилар тўғрисидаги маълумотларни қамраб олувчи маълумотлар базасини шакллантириш ва жойлаштиришни:

10 та белгидан иборат ТИФ ТН кодлари билан ўзаро боғлиқликда ҳар бир маҳсулот тури бўйича товар бозорининг ҳажми (ишлаб чиқариш, импорт, экспорт ҳажми) тўғрисида;

маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар номенклатураси, уларнинг техник ва нарх кўрсаткичлари тўғрисида;

буюртмачиларнинг келгуси давр учун харид режа-жадваллари тўғрисида;

маҳаллий корхоналар негизида ишлаб чиқариш тавсия этилаётган истиқболли маҳсулот турлари рўйхати тўғрисидаги маълумотлар билан;

б) корхоналар томонидан керакли шакллар онлайн режимида мустақил тўлдирилиши орқали маҳаллий корхоналар учун ахборот маълумотлар базасига бепул киритилишини;

в) етказиб берувчилар билан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ўртасида интерактив ҳамкорлик қилиш имкониятини;

г) давлат харидлари махсус ахборот портали билан давлат харидлари бўйича интеграциясини;

д) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари маълумотлар базалари билан интеграциясини.

2-боб. Электрон кооперация биржаси портали иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

5. Оператор электрон кооперация биржаси порталида жойлаштириладиган маълумотларга технологик ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш талабларини белгилаш ҳуқуқига эга. Шунингдек, оператор қонунчиликка зид бўлмаган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

6. Операторнинг мажбуриятлари:

электрон кооперация биржаси порталининг узлуксиз ишлашини таъминлаш;

электрон кооперация биржаси порталида тузилган шартномалар реестрларини шакллантириш ва юритиш;

электрон кооперация биржаси порталида жойлаштирилган ахборотнинг яхлитлигини таъминлаш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари учун ушбу Низомда назарда тутилган тартибда ахборотдан фойдаланиш имкониятларини яратиш;

электрон кооперация биржаси порталини босқичма-босқич такомиллаштириш, логистика, маркетинг ва бошқа ахборот тизимларига улаш каби хизматлар мажмуасини кенгайтириш;

маълумотлар базасида ахборотни электрон кооперация биржаси порталига жойлаштирилган даврдан бошлаб беш йил мобайнида сақлаш;

давлат буюртмачиларининг электрон кооперация биржаси портали орқали тузилган шартномаларини давлат харидлари махсус ахборот порталига автоматик режимда юборилишини таъминлаш.

Электрон кооперация биржаси портали фаолияти доирасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажариши мумкин.

7. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари қуйидаги маълумотларни электрон кооперация биржаси порталига ўз вақтида киритишни, унинг ишончлилиги, тўлиқлигини ва янгилаб борилишини таъминлайдилар:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, “Ўзстандарт” агентлигининг ҳудудий бўлинмалари томонидан республикада ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг ҳажми ва техник параметрлари ҳақидаги;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси томонидан саноат маҳсулотларининг импорт ва экспорт ҳажми ҳақидаги;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда устав фонди (капитали)даги давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар келгуси давр учун давлат харидларининг режа-жадваллари ва давлат харидларининг ўтган йилдаги амалдаги ҳажми, шу жумладан, импорт товарлари хариди тўғрисидаги;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариш тавсия этилаётган ўзлаштирилиши истиқболли маҳсулот турлари тўғрисидаги.

8. Барча фойдаланувчилар оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш учун очик ахборотдан фойдаланишда ёки учинчи шахсларга беришда мажбурий тарзда электрон кооперация биржаси порталига ҳавола қилган ҳолда, унинг ишончлилигини таъминлашга мажбур.

3-боб. Электрон кооперация биржаси порталида ахборотни жойлаштириш тартиби

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан электрон кооперация биржаси порталига ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотлари турлари ва ҳажмлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш мазкур низомга 2-иловадаги жадвалларга асосан амалга оширилади.

10. Буюртмачилар (бюджет буюртмачилари бундан мустасно) ва етказиб берувчилар электрон кооперация биржаси порталига электрон рақамли имзо ёрдамида электрон рўйхатдан ўтиш орқали киритилади.

11. Бюджет буюртмачилари электрон кооперация биржаси порталига давлат харидлари махсус ахборот портали орқали Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва оператор ўртасида ахборот алмашуви йўли билан киритилади.

12. Электрон кооперация биржаси порталида жойлаштирилган харидлар режа-жадвали қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

харид предмети ва миқдори;

харид қилиш оyi;

буюртмачининг номи ва манзили;

харид предметини молиялаштириш манбалари;

товарларни етказиб бериш муддатлари ва шартлари.

13. Етказиб берувчилар электрон кооперация биржаси порталига улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тўғрисида қуйидаги маълумотларни киритади:

таклиф этилаётган товарлар номи;

сотиш нархи;

товарнинг энг кўп ва энг кам тўпи;

товарнинг русуми ва техник параметрлари (техник паспорт ёки бошқа ҳужжат асосида);

ўзи ишлаб чиқарган товарнинг фотосурати;

товар етказиб бериладиган ҳудуд;

кафолат шартлари ва муддати ҳақида маълумот;

товарнинг ишлаб чиқарилган йил;

товарнинг яроқлилиқ муддати;

етказиб бериш муддати;

электрон кооперация биржаси порталидаги таклифнинг бошланиш ва тугаш санаси;

зарур бўлганда, лицензия, рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжат ёки сертификат мавжудлиги тўғрисидаги ахборот.

4-боб. Электрон кооперация биржаси портали орқали харидларни амалга ошириш тартиби

14. Буюртмачилар ва етказиб берувчилар харидларда иштирок этишдан олдин ҲҚКПдаги шахсий ҳисобварағига аванс жойлаштиради.

Аванс миқдори Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

15. Буюртмачилар (давлат буюртмачилари бундан мустасно) электрон кооперация биржаси порталида товар жойлаштирган етказиб берувчилар билан электрон тарзда шартнома тузади.

16. Давлат буюртмачилари электрон кооперация биржаси порталида етказиб берувчиларнинг таклифларини ўрганиш орқали ўзи учун мақбул бўлган товарни танлайди ва мажбурий тартибда нархлар сўрови механизмидан фойдаланади.

Электрон кооперация биржаси портали автоматик тарзда офертани таклиф этган етказиб берувчига ҳамда ушбу порталда ўхшаш товарни таклиф этаётган бошқа етказиб берувчиларга нарх сўровини юборади.

Етказиб берувчилар электрон кооперация биржаси портали томонидан нарх сўрови юборилган пайтдан бошлаб қирқ саккиз соат ичида пастроқ нарх таклифларини беришга ҳақли.

Етказиб берувчилар томонидан берилган нарх бўйича таклифларни таққослаш электрон кооперация биржаси портали томонидан автоматик тарзда амалга оширилади.

Электрон кооперация биржаси порталида шартнома давлат буюртмачиси томонидан танланган етказиб берувчининг офертасида баён этилган шартларга мувофиқ ҳамда етказиб берувчилар томонидан таклиф этилган энг паст нархда шакллантирилади.

17. Электрон кооперация биржаси порталида тузилган битим рўйхатга олинади, буюртмачи ва етказиб берувчининг шахсий ҳисобварағидан операторнинг воситачилиқ тўлови ечиб олинади. Битимни рўйхатга олиш ушбу порталда шартномани шакллантириш ва унга ўзига хос рақам бериш билан амалга оширилади.

Буюртмачи ва етказиб берувчи ўртасида ЭРИдан фойдаланган ҳолда электрон кооперация биржаси порталида тузилган шартнома тегишли шаклда тузилган ҳисобланади.

18. Оператор давлат буюртмачиларининг шартномалари бўйича маълумотни автоматик режимда давлат харидлари махсус ахборот порталига юборади. Давлат харидлари махсус ахборот портали шартнома маълумотларини давлат буюртмачилари томонидан тузилган шартномалар реестрига киритади.

19. Томонлар шартномани бажаришни рад этганда ёки уни бажаришдан бошқача тарзда бош тортганда, буюртмачи ёки етказиб берувчи судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

20. Суд қарорига асосан буюртмачи ёки етказиб берувчининг зақалати жарима сифатида буюртмачи ёки етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига ўтказилади.

5-боб. Яқунловчи қонда

21. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Саноат ярмаркалари ва электрон
кооперация биржа портали фаолиятини
ташқил этиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Электрон кооперация биржаси портали фаолиятини ташқил этиш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Ижрочилар	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Муддат
1-босқич	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, “Ўзстандарт” агентлиги	Портални яратиш ҳамда статистика, божхона, сертификатлаштириш, солиқ, молия органлари маълумотлар базаси билан интеграциялаш.	2019 йил 5 октябргача
2-босқич	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, “Ўзстандарт” агентлиги	Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари турлари, ҳажми, техник таъминоти, сифат кўрсаткичлари тўғрисида; импорт қилинаётган ва экспортга йўналтирилаётган маҳсулотлар турлари ва ҳажми тўғрисида; талаб юқори бўлган ва ўзлаштирилиши тавсия этилган импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар рўйхатини Порталга жойлаштириш.	2019 йил 15 октябргача
3-босқич	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Буюртмачи ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида эркин рақобат ва нарх шаффофлиги тамойиллари асосида масофадан туриб шартнома тузиш имкониятига эга электрон савдо майдончасини тўлақонли ишга тушириш ва доимий ишлашини таъминлаш.	2019 йил 1 ноябргача ва кейинчалик доимий
4-босқич	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, устав фонди (капитали)даги давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юримдик шахслар	Келгуси давр учун давлат харидларининг режа- жадваллари ва давлат харидларининг ўтган йилдаги амалдаги ҳажми, шу жумладан, импорт товарлари хариди тўғрисидаги маълумотларни Порталга жойлаштириш.	Ҳисобот даври якуни билан
5-босқич	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, “Ўзстандарт” агентлигининг ҳудудий бўлинмалари	Республикада ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг ҳажми ва техник параметрлари ҳақидаги маълумотларни тўғри ва ҳаққоний киритилишини таъминлаш ва уни ўз вақтида янгилан бориш.	Мунтазам

Саноат ярмаркалари ва электрон кооперация
биржаси портали фаолиятини ташкил этиш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

1-жадвал

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш тўғрисида
МАЪЛУМОТ

Маҳсулот номи ва техник параметрлар	Техник регламент, стандарт	ТН ТИФ коди	Маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагич коди	Юридик шахснинг номи ва жойлашган ери (почта манзили)	Телефон рақами
-------------------------------------	----------------------------	-------------	---	---	----------------

2-жадвал

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми тўғрисида
МАЪЛУМОТ*

Маҳсулот номи ва техник параметрлар	Техник регламент, стандарт	Маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагич коди	Ўлчов бирлиги	Ишлаб чиқариш ҳажми		Ўртача йиллик ишлаб чиқариш қуввати
				миқдори	ҳажми, минг сўм	

**) маълумотлар ҳар ой якуни билан йирик корхоналар бўйича ва йил якуни билан барча саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар бўйича янгиланиб борилади*

3-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

ТН ТИФ коди	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Экспорт ҳажми		Импорт ҳажми	
			миқдори	минг АҚШ долл.	миқдори	минг АҚШ долл.

****) маълумотлар ҳар ҳисобот даври якуни билан янгиланиб борилади.*

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 30 сентябрдаги
8 33-сон қарорига
2-илова



**Мунтазамўтказиладиган саноат ярмаркаларида республикада
ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар,
хомашё ва материалларни харид қилиш бўйича
буюртмачи сифатида иштирок этувчилар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Буюртмачилар гуруҳи	Буюртмачиларни саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида қатнашишини таъминлашга масъул вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари
1.	Нефть, газ, кимё ва энергетика саноати ташкилотлари	Энергетика вазирлиги, “Ўзкимёсаноат” АЖ
2.	Соғлиқни сақлаш муассасалари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
3.	Мактабгача таълим муассасалари	Мактабгача таълим вазирлиги
4.	Халқ таълими муассасалари	Халқ таълими вазирлиги
5.	Олий ва ўрта махсус таълим муассасалари	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
6.	Транспорт ташкилотлари	Транспорт вазирлиги
7.	Қурилиш, архитектура ва лойиҳалаштириш ташкилотлари	Қурилиш вазирлиги
8.	Иссиқлик таъминоти, ичимлик суви таъминоти, канализация ва таъмирлаш-тиклаш ташкилотлари	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги
9.	Ирригация-мелеорация тизими ташкилотлари	Сув хўжалиги вазирлиги
10.	Ахборот технологиялари ва коммуникациялари ташкилотлари	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
11.	Муסיқа ва санъат мактаблари, маданият муассасалари	Маданият вазирлиги
12.	Маҳсулотларни импорт қилувчи маҳаллий ташкилотлар	Давлат божхона кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
13.	Тоғ-кон ва металлургия саноати ташкилотлари	“Навоий КМК” ДҚ
		“Олмалиқ КМК” АЖ
		“Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ
14.	Автомобилсозликсаноати ва қишлоқ хўжалиги техникаси ташкилотлари	“Ўзавтосаноат” АЖ, “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ
15.	Бошқа ташкилотлар ва саноат ташкилотлари	Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги